

Тошкент вилояти

2022 йил «_23_» декабрь

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилиладиган Ўзбекистон Республикаси ИИБ нинг 2-сон Тошкент академик лицейинномидан низоми асосида иш юритувчи рахбари Р.Н.Отажонов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган "MILLENNIUM TIME COMMERCE" MSNJ Низоми асосида фаолият юритувчи рахбари Икрамов С.Г. иккинчи томондан туздилар;

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига биноан Тошкент Вилояти Қибрай тумани Байтқўрғон ҚФЙ Зиёнув кучаси 159-уй манзилда жойлашган жорий таъмирлаш учун лойихада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр холда қуриш бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариб топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитларни яратиш уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган иш 500 000 000 (Беш юз миллион) сўмни ташкил этади. Шу жумладан 15% ҚҚС билан
4. Ишлар қиймати узул кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно;
Жорий таъмирлаш ишлари қийматининг кўпайтиришга енгил бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
Ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
Жорий таъмирлаш ишлари бир йилда ортиққа узайтирилганда
5. Жорий таъмирлаш ишлари бир йилдан ортиқ бўлмаганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун;
Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг илова (лойиха ҳужжатлари, қурилиш графиклари)га мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачининг мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
Илова (лойиха ҳужжатлари, қурилиш графиклари)га мувофиқ жорий таъмирлаш ишлари майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;
Жорий таъмирлаш ишлари майдонида техника хавфсизлиги ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини тامينлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда жорий таъмирлаш ишлари майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналар ва асбоб ускуналар транспорт воситалари, анжомлар, преборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмли бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари ва субподрядчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

4. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи;
Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқлик ишларни бажариш учун яроқли бўлган жорий таъмирлаш ишлари майдонини объект таъмирлаш ишлари ва таъмирлаш ишлари тугаллагунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура қурилиш назоратини ва маазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этишни назорат қилиш. Пудратчини тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
Пудратчининг барча мурожатларини икки кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига илова (лойиха ҳужжатлар, таъмирлаш ишлари графиклари) га мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда мажбуриятини олади.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартномалар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган таъмирлаш ишлари давом этиш вақти ишлари бошланган ва буюртмачи томонидан аванс маблағи молиялаштирилган кундан эътиборан 2022 йил 31 декабр белгиланди.
13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30 %** миқдоридан аванс ўтказилади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.
16. Жорий молиялаштириш амалда бажарилган ишларга мувофиқ оралик бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан кейин (бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин) берилган авансни пропорсанал ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда объектнинг умумий шартнома қийматининг **70%** миқдорда амалга оширилади. Бироқ объект топширилгунга қадар (тегишли ташкилот қарори, давлат қабул комиссиясининг далолатномаси, авизо) шартнома қийматининг **30%** дан ошмайди.
17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган фоизи учун буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги узул кесил ҳисоб китоб қилиш тугаллангандан сўнг мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат 14 иш куни (100% фоизли топширилган кундан) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг **70%** миқдоридан тўлов амалга оширилади.
18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур объектга мулк ҳужжатини ўзида сақлаб қолади. Объект буюртмачига қадар топширилгунга қадар объектнинг тасодуфий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи пудратчининг зиммасида бўлади.
19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 6 кун мобайнида бажармаган тақдирда пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.
20. Буюртмачи таъмирлаш ишлари майдонида ўз вақилини техник аудиторини тайинлайди. У Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек, пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даврий мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи техник аудиторнинг ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришини мустақил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Таъмирлаш ишлари майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
Пудратчи ўз томонидан таъмирлаш ишларида қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификация, техник регламентларига ёки стандартларига мувофиқ бўлишни ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишни кафолатлайди.
26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва брикитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси” ёзма равишда хабардор қилади.
27. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги ва Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг “Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси” билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текширув далолатномлари билан тасдиқланади.
28. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
29. Агар Беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса, ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очиришга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларини Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
30. Пудратчи таъмирлаш ишлари майдони ва унинг туташ кўча поласасини шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супириб, сидиради ва озода сақлайди, таъмирлаш ишлари даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
31. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, буюртмачи ва пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб ускуналар берилиши хизматлар кўрсатилиши санаси ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узул кесил муддатига тасир қилиш мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки пудратчининг қайдларидан қониқмаса у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тadbирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

32. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агарда бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита тасир эта, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича

мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

33. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у ҳолда пудратчи ва буюртмачи ишларини давом этитириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қилишни муҳакама қиладилар.
34. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

8. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

35. Таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олишни шартномани имзолаш санасидан амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлари тарафидан бажрилганидан кейин шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган ҳолларига биноан амалга оширилади.
36. Объектлар учун фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.
37. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда 2 нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалида бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.
38. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

9. КАФОЛАТЛАР

39. Пудратчи;
Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиши меъёрлари, қодалари ва техник шартларига мувофиқ барча шартларни бажариш сифатини; ўз томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларига техник регламентлар ёки стандартлигига мувофиқлиги, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни, объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қодаларига мувофиқлигини кафолатлайди.
40. Шартнома икки томонлама тузилади ва «_21_» декабрдан 2023 йил 31 декабргача амал қилади.
41. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилгани ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса у ҳолда буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасининг пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.
42. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузатишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда уларни текшириб чиқиш “Давлат архитектура қурилиш назорати” органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истесно этмайди.

10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

43. Буюртмачи:
Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра пудратчи томонидан 6 кун кўп вақтга кечиктирилганда;
Ишларни тугашинининг мазкур шартнома белгиланган муддати Пудратчининг айби билан кундан ортик муддатга кўпайган ҳолда пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя

этилмаганда пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

44. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра буюртмачи томонидан 10 кундан ортиқ муддатга тўхатб қўйилганда: буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилиниши талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.
45. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 3 кун муддатда буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
46. Мазкур шартнома бекор қилиш қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоида мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
47. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
48. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки маазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

49. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур ҳадада бажармаган тақдирда айбдор томон:
Иккинчи томонга етказган зарарни қоплайди;
Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида "Хўжалик юритувчи фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартида бошқача жавобгарликка тортилади.
50. Мазкур шартномага тегигшли иловалардан кўрсатилган ўз мажбуриятларига риё қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.1% миқдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 %дан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.
51. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмининг тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун буюртмачи пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 0.1% миқдорида жарима тўлайди.
52. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0.2% миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бундан пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 20%дан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун пудратчи буюртмагани учун муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2% миқдорида пеня тўлайди. Бундан пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган қийматининг 50% ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.
53. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига ва иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда буюртмачи Давлат архитектура қурилиш назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши шунингдек пудратчидан зарур даражада бўлмаган ишлаар қийматининг 100% миқдорида жарима ундириши ҳуқуқига эга.
54. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳужжатларда мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишидан шу жумладан бош берилган фойдалан ифодаланиладиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

55. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларни бошқача тарзда зарар даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

12. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

56. Шартномани бажаришдан ва бекор қилишдан, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўлган низоли масалаларни томонлар хал эта олмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачи жойлашган манзилдаги иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

13. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

57. Мазкур шартнома имзоланган кейин мазкур шартнома тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олинган ёзма ва оғзаки битимлар ёзишмалар томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

58. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатсиз субподрядчилардан ташқари бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

59. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

60. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

61. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (уч) нусхада тузилди. У тарафлар томонидан имзоланди

14. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

“ПУДРАТЧИ”

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2-сон
Тошкент академик лицей
Манзили: Қибрай тумани, Байтқургон кфй
Зиё Нур 159

Ғ.Ғулом кўчаси 45 уй

Х/р 401010860272487031101179001

ИНН: 305 086 854

Банки Тошкент вилояти Марказий банки
бош бошқармаси ХККМ

МФО: 00025

ООО «MILLENNIUM TIME
COMMERCE»

Манзили: Адрес: г. Ташкент, Юнусабадский
р-н,
ул. Машинасозлар д. 30 А

Банки ХАТБ “ORIENT FINANS” ОПЕРУ

х/р: 2020 8000 6052 1346 4001

МФО: 01071

ИНН: 307 335 075



Рахбар: Р.Н.Отажонов



Рахбар: Икромов С.Г.

ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ

Мазкур шартнома мазмуни ва бандларида кўрсатилган талаблар, томонлар мажбурияти, ўзаро ҳисоб-китоб ва бошқа қўшимча шартлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 354,355,357,364,366,631-моддалари талаблари асосида шартномага илова қилинган уч томонлама шартномалар ҳам 101, 102, 105, 108, 241-моддалари тартибда ва Ўзбекистон Республикасининг ҳужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий баъзаси тўғрисидаги қонун талабларига мос равишда тузилган.

Юқоридагиларга кўра ушбу шартнома лойиҳасида томонларнинг тенг ҳуқуқли ва бир хилдаги манфаатлари назарда тутилган бўлиб шартномани имзолашни тавсия қиламан.

Юрист  Н.Ғ.Рахматов